



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASIGA 100 YIL



**TOSHKENT TIBBIYOT
AKADEMIYASIGA 100
YIL**

Toshkent tibbiyot akademiyasi tashkil etilganining
100 yilligiga bag'ishlangan

**“Toshkent tibbiyot akademiyasiga 100 yil – buyuk ishlar va yangi
kashfiyotlar davri”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami

Сборник материалов научно-практической конференции с международным
участием, посвященной 100-летию Ташкентской медицинской академии,
**«100 лет Ташкентской медицинской академии – эпоха больших
свершений и открытий»**

Collection of materials of the scientific and practical conference with
international participation, dedicated to the 100th anniversary of the Tashkent
Medical Academy,

**"100 years of the Tashkent Medical Academy – the era of great
achievements and discoveries"**



оширилмоқда. Маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёрада аҳолининг йиллик ўсиш кўрсаткичи 95 миллионни ташкил этади. Таққослаш учун, 2015 йилда бу кўрсаткич 83 млн кишига тенг бўлган. Қайд этиб ўтиш лозимки, ер аҳолиси 3 каррага кўпайган даврда чучук сувдан фойдаланиш ҳажми 17 мартага ортган. Башоратларга кўра, 20 йилдан кейин чучук сувга бўлган талаб ҳажми яна 3 каррага ортиши мумкин. Чучук сув етишмовчилиги муаммоси Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. Сув танқислиги муаммоси бўлган мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон 25-ўринни эгаллайди. Сўнгги 10 йилда Ўзбекистонда сув захиралари 12 фоизга, жорий йилда ўтган йилги билан солиштирганда 15 фоизга камайган. Глобал иқлим ўзгариши туфайли республикада куруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор захиралари майдони камаймоқда, камсувлик такрорланиши тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади ва ичимлик сувига боғлиқ касалликларнинг ҳам ривожланишига замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда биз аҳоли яшаш жойларида аҳоли истемол қилаётган ичимлик сувининг сифатини йиллар динамикасида ретроспектив тахлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: 2017 йил коммунал водопроводлардан кимёвий кўрсаткичларга умумий 370 та намуналар олинган улардан 1 таси (0,2%) ,микробиологик кўрсаткичларга эса 339 та намуналар олинган бўлиб, улардан 1 таси (0,29%) гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2018 йил коммунал водопроводлардан умумий кимёвий кўрсаткичларга 496 та намуналар олинган улардан барчаси гигиеник талабларга мос келган ,микробиологик кўрсаткичларга эса 667 та намуналар олинган бўлиб улардан 19 таси (2,8%)гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2019 йил коммунал водопроводлардан умумий кимёвий кўрсаткичларга 447 та намуналар олинган улардан барчаси гигиеник талабларга мос келган ,микробиологик кўрсаткичларга эса 662 та намуналар олинган бўлиб улардан 3 таси (0,5%)гигиеник талабларга жавоб бермаган. Олинган натижаларнинг тахлилида шуни қайд этиш керакки барча кузатув йилларида ичимлик сувининг сифати кимёвий кўрсаткичлар бўйича ДавСТ 950-2011 “Ичимлик суви” талабларига мос келган, аммо микробиологик кўрсаткичлар бўйича айрим намуналар гигиеник талабларга жавоб бермаган, айниқса 2018 йил бошқа йилларга нисбатан намуналар кўпроқ (2,8%) мос келмаган. Ичимлик суви гигиеник талабларга жавоб бериши учун энг аввало яхши ДавСт 951-2011 мос келувчи маънбалар бўлиши зарур. Маълумотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон территориясидаги ер ости сувнинг аксарияти таркиби жиҳатидан, яъни тиниклиги, харорати кимёвий таркиби ва бактерияларнинг миқдори жиҳатдан Давлат стандарти талабига жавоб беради. Юқоридан келиб чиққан холда биз кузатув минтақасидги сув таъминоти маънбаларидаги сувнинг сифатини ҳам йиллар динамикасида тахлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: 2017 йил кимёвий кўрсаткичларга умумий 156 та намуналар олинган улардан 1 таси (0,6%) ,микробиологик кўрсаткичларга эса 123 та намуналар олинган бўлиб, улардан 5 таси (4,06%) гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2018 йил умумий кимёвий кўрсаткичларга 150 та намуналар олинган улардан 1 та намуна (0,6%) гигиеник талабларга мос келмаган ,микробиологик кўрсаткичларга эса 154 та намуналар олинган бўлиб улардан 1 таси (0,6%)гигиеник талабларга жавоб бермаган.

2019 йил умумий кимёвий кўрсаткичларга 89 та ,микробиологик кўрсаткичларга эса 97 та намуналар олинган бўлиб улардан барчасигигиеник талабларга жавоб берган.

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ

Шеркўзиева Г.Ф., Умунов Ш.С.,

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Бутун жаҳонда бўлгани сингари, республикада онкологик касалликлар ўсиши қайд этилмоқда. Тиббиёт фанини ривожлантиришнинг замонавий босқичи саратон касалликларининг олдини олиш чораларини янада такомиллаштиришга ва республика аҳолисига онкологик ёрдам бериш сифатини жаҳон андозалари даражасигача оширишга

йўналтирилган устувор вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бир қанча ишлар амалга оширилди, айниқса бу борада қонунчиликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда; хусусан Ўзбекистон Республикасининг Президентининг: 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Қарори қабул қилинган. Саратон ҳақида гапирадиган бўлсак, у анчадан бери ер юзиде тарқалган касалликлар ичида 2-ўринни эгаллаб турибди. Ҳозиргача ҳам қийинчилик билан даволанади, охири босқичларида эса умуман давосиз. Саратон касалликлари олиб келган ўлимларни деярли ярмини олдини олиш мумкин эди. Фақат 2015-йилнинг ўзида саратондан 1.6 млн киши вафот этди. Саратон касалликларидан вафот этаётганларнинг 8/1 қисми асосан чекиш, ортиқча вазн, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳамда жисмоний фаолиқнинг йўқлиги ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган омиллар билан бир қаторда хавф омилли бўлиб сурункали юқумли касалликлар ҳам ҳисобланади. Дунё бўйича 2018 йилда 13% саратон касаллигининг қайд этилиш ҳолати концентроген инфекциялар инсон папилломаси инфекцияси (ИПВ), гепатит В, гепатит С, Энштейн-Барро вируси томонидан келтириб чиқарилади. 2020 йил дунё бўйича 10 мил яқин киши ушбу касалликдан вафот этган. Шу йилги статистика маълумотларига кўра энг кўп тарқалган турига куйидагилар киради: кўкрак беи саратони-2,26 мил, шпқа саратони-2,21 мил, йўғон ва тўғри ичак саратони-1,93 мил. 2020 йили онкологик касалликлардан вафот этганларнинг сабаблари куйидагича: ўпка саратонидан-1,8 мил ўлим ҳолати, йўғон ва тўғри ичак саратонидан-935000 та ўлим ҳолати, жигар саратонидан-830000 та ўлим ҳолати, кўкрак беи саратонидан 685000 та ўлим ҳолати аниқланган.

Шу сабабли биз аҳоли ўртасида ёшга нисбатан онкологик касалликларнинг тарқалишни эпидемиологик ҳолатини йиллар динамикасида ретроспектив тахлил қилдик ва куйидаги натижаларни олдик. 2018 йил умумий қайд этилганлар сони эркакларда-9913 та, аёлларда эса 13483 та ҳолат, 2019 йилда 10511 ҳолат эркакларда, 14137 аёлларда қайд қилинган. Кузатув йилларида энг кам учраш ёши 0-4 ёшлилар ўртасида бўлиб, эркакларда-169, аёлларда-94, 2019 йилда эса 167 та, 130 та аёлларда қайд этилган. Ушбу касалликнинг ёшга нисбатан энг кўп учраш ҳолати эркакларда 60-64 ёшда-1499 та ҳолат аниқланган бўлса, аёлларда бир мунча ёшроқ яъни 55-59 ёшлилар ўртасида энг кўп ҳолат 2001 та қайд этилган. 2019 йили ёшга нисбатан энг кўп учраш ҳолати куйидагича ҳар иккала жинсда бир хил ёшда аниқланди: яъни 60-64 ёшлиларда эркакларда-1703 та, аёлларда эса-2056 та ҳолат аниқланган. Олинган ретроспектив тахлил натижаларидан шунни хулоса қилиш мумкин, ҳар иккала жинсда 60-64 ёшлилар ўртасида бошқа ёшларга нисбатан ушбу касаллик кўп учрамоқда. Бунга сабаб жисмоний фаолиқнинг камлиги ва ортиқча вазннинг борлигидир. Чунки айнан шу ёшда кам ҳаракатчанлик кўп кузатилади. Шунинг учун аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

КОРОНАВИРУСНАЯ ИНФЕКЦИЯ

Юсупова И.А

Ургенческий филиал Ташкентской медицинской академии, Узбекистан

Введение. COVID-19 (от англ. Coronavirus disease 2019) — новое эпидемическое инфекционное заболевание, характеризующееся сравнительно высокой контагиозностью и вероятностью развития грозных осложнений в виде острого респираторного дистресс-синдрома, острой дыхательной и полиорганной недостаточности. До 2002 года коронавирусы рассматривались в качестве агентов, вызывающих нетяжёлые заболевания верхних дыхательных путей (с крайне редкими летальными исходами). Патогенез новой коронавирусной инфекции изучен недостаточно. Данные о длительности и напряженности иммунитета в отношении SARS-CoV-2 в настоящее время отсутствуют. Иммунитет при инфекциях, вызванных другими представителями семейства коронавирусов, не стойкий и возможно повторное заражение.

ИССЛЕДОВАНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СРЕДЫ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОГО ЗАВОДА	309
Хаджаева У.А.	309
COVID-19 КАСАЛЛИГИНИНГ БУЙРАКЛАРНИ ШИКАСТЛАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ	311
Хайтбоев Журабек Азатбоевич	311
ВЛИЯНИЕ МУЗЫКОТЕРАПИИ НА РАЗВИТИЕ ДЕТЕЙ С МИНИМАЛЬНОЙ МОЗГОВОЙ ДИСФУНКЦИЕЙ	312
Шарипов Р.Х., Ирбутаева Л.Т.	312
SURUNKALI TONZILLITNI BAKTERIOLOGIK TASHXISI	313
Sharipova A.U., Sharipov U.A.	313
ИЧИМЛИК СУВИ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИ.....	314
Шеркўзиева Г.Ф., Аллаярова Г.А., Орзбаева Ш.Е., Бобоева И.Ў	314
ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ.....	315
Шеркўзиева Г.Ф., Умуров Ш.С.,.....	315
КОРОНАВИРУСНАЯ ИНФЕКЦИЯ.....	316
Юсупова И.А.....	316
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ СЛЕПОТЫ И ИНВАЛИДНОСТИ ОТ ВОЗРАСТНОЙ МАКУЛЯРНОЙ ДЕГЕНЕРАЦИИ ПУТЕМ УЛУЧШЕНИЯ КАЧЕСТВА ДИСПАНСЕРИЗАЦИИ.....	317
Янгиева Н.Р.	317
ПРОФИЛАКТИКА ВОЗРАСТНОЙ МАКУЛОДИСТРОФИИ С ПОМОЩЬЮ ЭЛЕКТРОННОЙ ПРОГРАММЫ ПО ПРОГНОЗИРОВАНИЮ РИСКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ И РАННЕГО ВЫЯВЛЕНИЯ.....	318
Янгиева Н. Р., Алишева Ш., Сафиев А.....	318
ПРОФИЛАКТИКА ОСЛОЖНЕНИЙ ТРАВМ СКУЛО-ОРБИТАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА	319
Янгиева Н.Р., Агзамова С.С., Хикматов М.Н.	319